

ISSN 2181-4791




**IMOM BUXORIY XALQARO  
ILMIY-TADQIQOT MARKAZI**

**IMAM BUKHARI INTERNATIONAL  
SCIENTIFIC RESEARCH CENTER**



**№4  
2022**



# **IMOM BUXORIY SABOQLARI**

*Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-  
adabiy jurnal*

*Spiritual and educational,  
scientific-literary journal*



**2023-YIL –**

**INSONGA E'TIBOR VA  
SIFATLI TA'LIM YILI**

## Ушбу сонда:

**Шовосил ЗИЁДОВ.** Маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз!.....3

### АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

**Абдулҳаким ШАРЪИЙ ЖУЗЖОНИЙ, Нигора ЮСУПОВА.** Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор.....4

**Турсинбой СУЛТОНОВ.** Имом Бухорий асарларида илм эгаллаш ва комил инсон тушунчаларининг янги талқини.....5

**Lazizbek ХАЙТОВ.** Hakim Termiziyning “Al-hajju va asroruhu” (Haj va uning sirlari) asarida Haj va uning turlari haqida.....8

**Отабек МАҲМУДОВ.** Шарқ алломалари асарларининг Европада таржима қилинган илк санасини қайта белгилаш тўғрисида (лотин тилли манбалар таҳлили асосида).....10

**Мумин Мирзо АБДУПАТТАЕВ.** Шаҳристониининг “Мафотиҳ ал-асрор” тафсири ва унда динлар таълимотлари ва ақидаларининг ёритилиши.....12

**Ҳошимжон НИЗОМИДДИНОВ.** Анвар шоҳ Кашмирий – фазилатли аллома.....14

**Бобурмирзо БОТИРОВ.** “Ҳидоя” асарида инсон ҳуқуқларини ёритилиши.....16

**Расулбек РАҲИМОВ.** XVI–XVII асрларда Европа ноширлик уйларида «Ал-қонун фит-тиб» асарининг нашр қилиниши (Жунти ноширлик уйи мисолида).....18

**Самандар ҚҶЧҚОРОВ.** Абу Райҳон Берунийнинг маънавий меросида қадриятлари талқини (“Осорул боқия” асари мисолида).....19

**Дилфуза АБДУЛЛАЕВА.** Бухорода маданий мерос аъналарини тиклаган меъмор.....21

### НОДИР МАНБАЛАР

**Жамолиддин ЖҶРАЕВ.** “Гулшанул асрор”нинг қўлёзма нусхаларига ишланган миниатюралар бадиий манба сифатида.....23

**Азиза АБДУМАННОТОВА.** Туризмнинг илмий, тарихий, диний, адабий манбалардаги талқини.....26

### ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

**Гулдона ТАНИЕВА.** Ўрта Осиё хонликлари халқаро алоқаларида Ҳаж йўлларида оид масалалар.....28

**Абдурасул БОЛТАЕВ.** Ўзбекистонда турғунлик йилларида экологик қабоҳат.....29

**Саидакбар МУҲАММАДАМИНОВ.** Хонликлар даврида Жўнглarning тузилиши ва таркиби ҳақида.....32

**Gulnoza АХМАДЖОНОВА.** Mahmudxo'ja Behbudiyning ma'rifatparvarlik faoliyati.....34

**Хосият МУЛЛАДЖАНОВА.** Роль Туркестанского отдела русско-географического общества в истории экотуризма Средней Азии.....35

**Dilmurod МАМАРАСУЛОВ.** Samarqanddagi Mirzo Ulug'bek madrasasi so'nggi talabalarining taqdiri xususida.....36

**Nodirjon XUSHVAQTOV.** Xitoy tarixshunosligida Buyuk Ipak yo'li tarixini o'rganilishining qiyosiy tahlili.....39

**Алишер ЯРКУЛОВ.** Жаҳонда археология тадқиқотларининг бошланиши.....42

**Анвар УМАРОВ.** Туркман халқи турмуш тарзида қадимги диний қарашларнинг айрим кўринишлари.....44

**Зокир ТОҶАЕВ.** XIX аср охири XX аср бошларида Туркистондаги илмий ва диний ташкилотлар тарихидан.....45

**Бунёд ЯЛГАШЕВ.** Самарқанд бадиий кулолчилик мактаби аъналарини.....46

**Зебинисо АҲМАДОВА.** Абдурауф Фитратнинг ислохотчилик қарашлари (“Мунозара” ва “Ҳинд сайёҳи қиссаси” асосида).....49

### ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

**Гулчеҳра НАВРҶЗОВА.** Бухорои шарифнинг етти пири ҳалол тушунчаси хусусида.....51

**Отабек МУҲАММАДИЕВ.** “Лубоб ал-калом” асарининг бугунги кундаги аҳамияти.....53

**Қобилжон ЗОҲИДОВ.** Илк араб-муслмон давлатида шаҳарсозликнинг ривожланиши.....57

**Ҳабибулло САГДИЕВ.** Искреннее отношение к правителю в исламе.....59

**Машҳура РАШИДОВА.** Ислому маърифат дини.....61

**Shuxrat ОТАҚУЛОВ.** Gender tenglik siyosatiga ijtimoiy va diniy munosabat.....63

**Ҳусниддин МАМАДАЛИЕВ.** IX аср ва XIII асрнинг бошларидаги Турон шаҳарсозлигида ҳисба меъёрларининг ўрни.....65

**Аҳмадхон АЛИМОВ.** Тафсир илми ва унинг турлари.....67

**Азиза ТҶРАЕВА.** Диний бағрикенглик – барқарорлик омили.....70

**Ислому ҚАРШИЕВ.** Хожамназар Ҳувайдо маънавий меросида тасаввуфий ғоялар.....71

**Анорабону ХУДОЙБЕРДИЕВА.** Ислому таълимотида ижтимоий ҳамкорлик ғоялари.....73

**Аҳмед АБДУРАХМАНОВ.** Аспекти семейных отношений в Исламе.....77

**Абдулбосит МАМАДАЛИЕВ.** Булғорий Бухорий (Хожа Ҳасан) аслида ким эди?.....79

**Ибрагимгаджи ХАЛАТОВ.** Зақят как способ преодоления бедности в мусульманском общест.....80

<b>Абдурахим БОЛТАЕВ.</b> Ибн Арабийнинг ҳаёти ва тасаввуф таълимотида тутган ўрни.....	83
<b>Давлатжон МАМАТКУЛОВ.</b> Ўрта асрларда мафқуравий жараёнлар: муътазиллийлик, мутакаллимлик ва тасаввуф.....	85

### **ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ**

<b>Xurshida YUNUSOVA, Fotima JUMANAZAROVA.</b> O'zbekistonda xotin-qizlar bandligini ta'minlash: muammo va yechimlar.....	88
<b>Ўқтам ШАКАРОВ.</b> Раҳбар ахлоқий сифатларини шакллантиришнинг назарий ва методологик асослари.....	90
<b>Абдурахмон АБДУХАЛИМОВ.</b> Водий вилоятлари қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш масалалари.....	93
<b>Малика ШЕРМАТОВА.</b> Социальные проблемы в исламских государствах и пути их решения.....	95
<b>Шухрат САИДАҲМАДОВ.</b> Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-маънавий ҳаёти ва инсон шахси камолотида ҳадисларнинг ўрни.....	97

### **ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР**

<b>Комил ҲАЙДАРОВ.</b> Маънавият ва тарбия соҳаларининг диалектик алоқадорлиги.....	100
<b>Эркин ЗОЙИРОВ.</b> Яъқуби Чархий асарларида онтологик масалалар: қиёсий таҳлил.....	102
<b>Гулчехра ТУЛЕМЕТОВА.</b> Некоторые аспекты влияния господствующей религиозной концепции на выбор метода исследования религии.....	104
<b>Маҳмудали ДЕҲҚОНОВ.</b> Жамият тараққиётида оила ва никоҳ муносабатларининг фикҳий асослари.....	106
<b>Ҳурият ХУДАЙБЕРДИЕВА.</b> Ислом динида ватанпарварлик ғоялари ривожланишининг ижтимоий-фалсафий моҳияти.....	108
<b>Пўлат ҚАҲҲОРОВ.</b> Инсон манфаатининг аксеологик хусусиятлари.....	110
<b>Сайёра САИДОВА.</b> Европа мамлакатлари тажрибасида давлат-конфессиявий муносабатларининг қиёсий таҳлили.....	112
<b>Гулнора ХУДОЙБЕРГАНОВА.</b> Исломда аскетик қарашларнинг тизимлашуви ва ривожланишига оид ёндашувлар таҳлили.....	116
<b>Йўлдош ИСОМИДДИНОВ.</b> Абдурауф Фитрат маънавий меросининг ижтимоий фалсафий моҳияти.....	118
<b>Aziz SHADMONOV.</b> Erkinlikning tarixiy-falsafiy asoslari.....	120
<b>Maftuna OCHILOVA.</b> Alisher Navoiyning falsafiy dunyoqarashi shakllanishining ijtimoiy-siyosiy, madaniy-tarixiy omillari.....	122
<b>Абдулло ҒУЛОМОВ.</b> Маҳмуд Ломишийнинг “Тамҳид” асарида субстанция ва акциденция борасидаги қарашлар таҳлили.....	123
<b>Zufarbek BEKCHANOV.</b> Iroda va uning ijtimoiy-falsafiy mohiyati.....	125
<b>Фарида КУЧИМОВА.</b> Проектив тафаккурнинг асосий хусусиятлари ва ривожланиш босқичлари.....	126
<b>Ғайрат АБДИЕВ.</b> Ёшларнинг сиёсий онгини фаоллаштиришда миллий давлатчиликнинг фалсафий масалалари.....	128
<b>Мирзо ИХТИЁРОВ.</b> Тележурналистика соҳасида соғлом рақобат тушунчасининг фалсафий моҳияти.....	130

### **ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ**

<b>Нигора ЮСУПОВА.</b> Ёшлар орасида радикализмнинг олдини олишда жаҳолатга қарши маърифат билан кураш аҳамияти (Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасига муносабат).....	132
<b>Нодира СУЛТОНОВА.</b> Ота-онанинг меҳр-муҳаббати фарзандлар учун ибратдир.....	133
<b>Фарҳод НАЗАРОВ.</b> Ёшларнинг маънавиятига қаратилган таҳдидларга қарши мафқуравий иммунитетни шакллантириш технологиялари.....	135

### **МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ**

<b>Нигора БУРАНОВА.</b> Интернетдан тўғри фойдаланиш давр талаби.....	137
<b>Юнус ХОЛИҚОВ.</b> Миллатлараро бағрикенгликни ривожлантиришда маданиятлараро ахлоқнинг ўрни.....	138
<b>Ёсин ОРТИҚОВ.</b> Ўзбекистон дунганлари маданиятидаги замонавий ўзгаришлар.....	140
<b>Ahrorbek ABDUG'ANIYEV.</b> O'rta Osiyo xalqlarining qadimgi davr boshqaruv va ma'naviy hayotida ayol kishining tutgan o'рни va ahamiyati.....	142
<b>Шоҳсанам НИЯЗОВА.</b> Эътиқод ва интернетга қарамлик ўртасидаги боғлиқликка оид илмий назариялар.....	143
<b>Asilbek QOLQANATOV, Gulmira BEKTURSINOVA.</b> Madaniyat va san'at sohasida kreativ pedagogikadan foydalanishning ahamiyati.....	145
<b>Iltom FAYZULLAYEV.</b> O'zbekistonda ijtimoiy-ma'naviy muhit holatini o'rganish va uni takomillashtirish.....	147

### **БИР ҲАДИС ШАРҲИ**

Ота-она сўрамасдан фарзандининг мулкидан “ўғринча” фойдаланишга ҳаққи борми?.....	149
---	-----

### **ЯНГИ НАШР**

Муснади Кеший (1-3 жилдлар).....	150
----------------------------------	-----

## БУХОРОИ ШАРИФНИНГ ЕТТИ ПИРИ ҲАЛОЛ ТУШУНЧАСИ ХУСУСИДА

ГУЛЧЕҲРА НАВРЎЗОВА  
БухМТИ профессори,  
фалсафа фанлари доктори

**И**нсон илоҳий мавжудот бўлиб, зоҳиран “Кичик олам” – “Олами сағир” сифатида кўринса-да, унинг вужуди бутун борлиқ билан боғлиқ. Унда борлиқнинг барча кўринишлари мужассам. Шунинг учун инсон жам этувчи борлиқ сифатида ботинан “Катта олам” – “Олами акбар” дир. Унинг камолоти табиий, ижтимоий, ирсий қувватнинг таъсирида амалга ошади [1:80-129]. Бу қувватлар ижобий бўлса, инсон камол топади, салбий ҳолатда эса таназзулга учрайди. Маънавий меросимизнинг таҳлили кўрсатадики, инсонга таъсир этувчи барча ижобий қувватларнинг асоси ҳалолу покликда. Айнан ҳалоллик тинчлик ва хотиржамликнинг асосидир [2:9-11].

Бухорои Шарифни дунёга машҳур қилган жуда кўп олиму фузалоларнинг номларитарихда олтин зарварақларда ёзиб қолдирилган. Жумладан, Абу Али ибн Сино тиббиёт соҳасида, Имом Ҳоҷатбарор номи билан машҳур Абу Ҳафс Кабир Бухорий фикҳ илмида, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий “Бухоро тарихи” асари билан тарих соҳасида, Имом Бухорий ҳадис илмида дунёга машҳур бўлган ва Бухоро тасаввуф илмининг бешигига айланган. Шайх Абу Бакр Калободий ва Мустабли Бухорий тасаввуф назариясига оид илк асарларни ёзган бўлса, камолот йўлини кашф этган Ҳожагон ва Нақшбандия тариқатлари ҳам шу муқаддас тупроқда вужудга келган. Ҳожагон таълимоти Хожаи Жаҳон – Абдуллоҳиқ Ғиждувоний, жаҳоншумул Нақшбандия таълимоти эса Баҳуддин Нақшбанд асослаган. Шу икки тариқатдаги Силсилаи Шарифга кирган ва муқаддас қабрлари Бухоро заминидан бўлган пирларнинг сони еттита бўлгани учун тасаввуфда уларни Бухорои Шарифнинг Етти Пир номи билан улуғлаган.

Бухорои шарифнинг Етти Пир – Хожаи Жаҳон номи билан машҳур Абдуллоҳиқ Ғиждувоний, Моҳитобон номи билан машҳур Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Ҳазрати Азизон номи билан машҳур Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобои Самосий, Ҳазрат Амир Кулол ва Шоҳ Нақшбанд, Баҳоуддин, Балоғардон, Хожаи Бузург номлари билан машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорийнинг маънавий меъроси буюк ирфоний хазинадир.

Пок ният, ҳалол луқма истеъмоли, ҳалол либос, ҳалол макон, ҳалол ҳамсуҳбат яхши энергия бўлиб инсон вужудини ижобий қувват билан кучли қилади. Чунки ҳалол ризқ ҳалол маҳнат асосида вужудга келади, ҳаром луқма эса турли ҳаром йўллар билан ҳосил этилгани сабаб ғазаб, нафрат, жаҳл каби салбий қувватларга тўла бўлади. Ижобий қувватлар яхши фазилатларни ҳосил қилади, салбий қувватлар эса иллатларни туғдиради. Энергетизм таълимоти валийларнинг камолотида ҳалол луқма ижобий таъсирга эга эканини исботловчи илмий асосдир.

Хожаи Жаҳон номи билан машҳур Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний “Силсилаи шариф” ҳалқасининг ўнинчи, Бухорои шарифдаги “Етти пир”нинг биринчиси ва Ҳожагон таълимотининг асосчисидир. Абдуллоҳиқ Ғиждувоний барча муридларига қарата: “Халқнинг оғирини енгил қилмоқ лозим. Кўл ишда ва қалб Аллоҳ билан бўлиши керак”, деб айтар эди. Бу билан Хожаи Жаҳон халқни Аллоҳ ризолиги йўлида ҳалол меҳнат қилиб, эл-юрт фаровонлиги учун ҳаракат қилишга чақирган эди. Абдуллоҳиқ Ғиждувоний илгари сурган “Даст ба кору дил ба ёр” шиори ҳозирги кунга қадар бутун инсониятнинг фаол ҳаракат шиоридир [3:12-13].

Хожаи Жаҳон – Абдуллоҳиқ Ғиждувонийнинг шогирди 11-ҳалқанинг пир, Бухорои Шариф Етти Пирининг иккинчиси, табаррук ва улуғ зот Моҳитобон номи билан машҳур Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарийдир. Ориф Ревгарийнинг ҳозирги кунга қадар “Орифнома” рисоласи сақланган [4:16]. Ориф Ревгарий бу асаридан орифларга мурожаат этиб, уларга дурдона фикрларини айтган. Рисолада ўзи айтган 27та ҳикматли сўз келтирилган. Шунингдек, Ориф Ревгарий машойихларнинг каломини тинглаш инсонларнинг қалбида тавфиқ уйғотгани сабаб шогирдларига 38та машойихнинг ҳикматини баён этган. Ориф Ревгарий: “Одамни саодатга яқинлаштирувчи ҳислат шуки, ўзини малоикка монанд этсин, яъни нафсини ўзига бўйсундирсин ва афиф-покиза бўлсин, мудом зокир, бандаликка жиддуҷаҳд ва саъй-ҳаракат қилсин”, деб уқтирган.

Маҳмуд Анжир Фағнавий тасаввуф оламида Моҳитобон номи билан машҳур, силсилаи шарифдаги ўн иккинчи ҳалқанинг пир, Бухорои Шариф Етти Пирининг учинчиси, Ориф Ревгарийдан Ҳожагон тариқатининг илму одобини ўрганган ва ўз даврининг етук камолот даражасига эришган. У ўзгаларни ҳам ҳақиқат нуридан баҳраманд этган улуғ зот. Бу улуғ инсон жаҳрия зикр амалиётини жорий этган. “Кимнинг жаҳрия зикр қилишга ҳақ-ҳуқуқи бор?”, деган саволга Маҳмуд Анжир Фағнавий: “Жаҳрий зикрни тили ёлғон ва тухматдан пок, ошқозони ҳаром овқатдан озод, қалби икки юзламачилик ва қимматсиз машҳурликка эришиш орзусидан холи, ботини ўткинчи дунё икир-чикирлари ва беҳуда нарсаларга берилишдан эркин бўлган сўфийгина бажариши мумкин”, деб жавоб берган экан.

Аждодларимизнинг маънавий меросини чуқур ўрганиб, улардан ибрат олиш маънавий камолотимизнинг асосий воқеасидир. Бухорои Шариф деб етти иқлимга танилишига сабаб бўлган жуда кўп азиз авлиёлар, олиму ҳукамоларни етиштирган бу азиз тупроғимизнинг шон-шухратини оламга ёйган авлиёлардан бири – бу Ҳазрат Азизон номи билан маълум Хожа Али Ромитанийдир. У Хожаи Жаҳон номи билан машҳур Абдуллоҳиқ Ғиждувоний асослаган Ҳожагон тариқатининг йирик вақили, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийнинг муриди, силсилаи шарифнинг 13-ҳалқа пир, Бухорои Шариф Етти Пирининг тўртинчисидир. Хожа Али Ромитанийнинг “Рисолаи Ҳазрат Азизон” асари XIV асрдан буён ёдгорлик сифатида сақланаётган маънавий меросимизнинг муҳим қисми бўлган тасаввуф таълимотига оид қимматли ёзма манба ҳисобланади. Россиялик тасаввуфшунос О.П.Щеглова: “Бу асарнинг муаллифи Муҳаммад Порсо”, деб қайд этган [5:230]. Манбашунос олим А.Т.Тағиржанов ҳам “Шарқ Кўлёмалари тўплами”га асосланиб шундай фикр билдиради [6:305]. Лекин барча манбалар устида олиб борган тадқиқотларимиз бизга ишонч билан бу рисоланинг муаллифи Хожа Али Ромитаний дейишга етарли асос беради. Биз бу тўплам билан Бухоро Давлат бадий меъморчилик музейи кўриқхонасининг фондидаги 12515-11 сон остидаги нусха асосида танишдик. Бу манбадан кўриш мумкинки, тўплам ҳошиясининг 20-36 бетларидидаги маълумотлар “Рисолаи Ҳазрати Азизон” номи билан чоп этилган.

У “Рисолаи Ҳазрати Азизон”да инсонни Ҳақиқатга етишишга ёрдам берувчи, комил инсон бўлиши учун лозим бўлган ўн ташартни кўрсатган. Рисолада кўрсатилган рию этиш, бажариш керак бўлган шартлар инсонни ўз-ўзини англашга ва бошқаришга ёрдам беради.

Биринчи шарт – таҳоратли бўлиш ёки покланиш.  
Иккинчи шарт – тилнинг ношоиста сўзлардан хомушлиги.  
Учинчи шарт – хилват ва узлат.  
Тўртинчи шарт – рўза.  
Бешинчи шарт – зикр.  
Олтинчи шарт – хотирани сақлаш.  
Еттинчи шарт – ризо.  
Саққизинчи шарт – солиқлар, яъни Ҳақ йўлидан борувчилар суҳбатини ихтиёр этиш ва ёмонлардан узоқда бўлиш.  
Тўққизинчи шарт – уйғоқлик.  
Ўнинчи шарт – луқмани сақлаш.

Луқмани сақлаш инсоннинг тўққизта шартга амал қилиб қўлга киритган, яъни покланган вужуди ва камолотга етган руҳий қувватини сақлаши, асраши ва бошқаришига қаратилган. Чунки ҳаром луқма барча риёзатни йўққа

чиқаради. Ҳазрат Азизон ҳалол луқмани сақлашнинг қуйидаги асосларини кўрсатган:

1. Ният қилиш, токи ҳалол рўзи насиб этсин.
2. Ҳалол луқма оғоҳлик билан қилинган меҳнат ила топилган луқмадир. “Даст ба қору, дил ба Ёр” – “Кўл меҳнат билан, қалб Ёр – Оллоҳ билан” шиорининг асл моҳияти ҳам шудир.
3. Луқмани истеъмол этишдан мақсад ибодатнинг мукамал бўлиши, яъни ҳалол ризқ топиш учун меҳнат қилиш ва куч-қувват йиғиш. Нафсга қул бўлиб, луқмани истеъмол этиш инсонни ғафлатга етаклайди ва у ҳалол бўлмайди.
4. Ҳалол пок луқма исроф қилинмайди.
5. Луқмани истеъмол қилаётганда зикр билан оғоҳ ҳолатида, берилган неъматларга шуқр этиш лозим.
6. Луқмани яхши кишилар билан бирга истеъмол этиш, ёмон

кишилар билан ҳамтовоқ бўлмаслик лозим.

7. Таом пишираётганда оғоҳ, хушёр, Аллоҳнинг зикри ва шуқрида, неъматлар тафаккурида бўлсин, бўлмаса ўзи ва бошқаларни ғафлатга олиб келади.

8. Таомни пишираётган киши таҳоратли бўлиши лозим. Хожа Хизр бир таомни емабди ва айтибди: “Ҳамир қорган киши таҳоратсиз бўлган, бундай луқма бизга лойиқ эмас”.

Муҳаммад Бобои Самосий (х.736/м.1335-36) Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389)нинг биринчи устози, Ҳазрат Азизон – Хожа Али Ромитанийнинг комил шогирди, Амир Кулолни кашф этган устоз, ҳожагон тасаввуфий тариқатининг йирик намояндаси, силсилаи шарифнинг 14-ҳалқа пири, Бухорони етти иқлимга танитган Етти Пирнинг бешинчидир. Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий Баҳоуддин Нақшбандга шундай ўғит берган: “Эй фарзанд, дуода: “Илоҳо, Сенинг улуғ ризоинг нима ишда бўлса бу бандани ўша ишга мубтало эт!” демоқ лозимдир, чунки Ҳақ субҳонаху ва таоло ўз ҳикмати билан ўз дўстига муҳаббат балосини юборади ва ўз инояти билан ўша юкни тортишни ўз дўстига ато қилади”. Бу иборалар Нақшбандия тариқатидаги ризо ғоясининг шаклланишида асосий негиз бўлиб хизмат қилган. Муҳаммад Бобои Самосийнинг кўрсатмаси билан нақшбандия тариқати аҳли учун “Худовандо! Мақсуди ман туи ва ризогии туро металабам”,

яъни “Тангрим! Менинг мақсудим сенсан ва сенинг ризолингни тилайман!”, деган ўғит кирган ва бутун сулуқ аҳли бу иборани мудом тилида ва дилида тақрорлаб туради ва унга амал қилади.

Хожагон ва Нақшбандия силсиласини бир-бирига боғлаб турган улуғ зот, силсилаи шарифнинг 15-ҳалқа пири ва Бухорои Шариф Етти Пирининг олтинчиси Мир Кулолдир. Ўз издошларига ҳазрат доимо ҳаром ва ҳалол, савоб ва гуноҳни билиш ва шунга асосан ҳаракат қилиш лозимлигини уқтирган. Ҳазрат Амир Кулол қуйидаги ҳикматли сўзларни қолдирган:

Маёзор мўру, маёзор кас,  
Раҳи роскори ҳамин асту бас. [7:43]

Мазмуни:  
Мўрга ҳам, кишига ҳам озор бермагин,  
Тўғри йўл аслида мана шудир.

Амир Кулолнинг қуйидаги ўғитлари мавжуд: “Билгин-ким, қалб ва тилнинг поклиги ҳалол луқмадандир. Инсон меъдасини пок сув бўлган ҳовуз каби тасаввур этинг. Бу пок сув ва тупроқдан ҳосил бўлган ҳар гул ва мева, албатта, пок ва фойдали бўлур. Ҳазрат расул айтганларким, 40 кун кимки, ҳалол луқманигина истеъмол қилса, унинг қалб кўзи очилиб, илм ва ҳикмат булоғидан баҳраманд бўлади. Бунга фақатгина тақвони ўзига шиор қилиб олганлар муяссар бўлади”.

“Ризқу рўзингизни касбу ҳунар билан топинг. Ҳалол касб билан ризқингизни топинг ва исроф қилманг”. “Кўзингизни ҳаромни кўришдан, қулоғингизни ҳаромни эшитишдан, кўлингизни ҳаром ишдан ва оёғингизни ҳаромга юришдан сақланг”.

Баҳоуддин Нақшбанд асослаган жаҳоншумул Нақшбандия таълимотида “Вуқуфи қалбий” – “Қалбдан оғоҳ бўлиш” тамойилини киритди ва қалб поклиги масаласига алоҳида эътибор берди [8:21-27].

Умумий ҳулоса қилиб айтганда, Бухорои Шариф Етти Пирининг ҳар бир ўғити жуда қимматли дурдона бўлиб, ёшларнинг камолотида хизмат қилувчи асосий манбадир. Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш учун Етти Пирнинг маънавий меросини ўрганиш ва маънавий-маърифий тарғибот ишларида фойдаланиш долзарб вазифалардан биридир.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. ХалиловҚадриддин. Маънавият ва моддият. Монография. Тошкент: Наврўз, 2020.
2. Наврўзова Гулчехра. Ҳалоллик – тинчлик ва хотиржамлик асоси. *Imom Buxoriy saboqlari*. Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal. 2021/1.
3. Наврўзова Г.Н., Э.Х.Зоиров. Бухорои Шарифнинг етти пири. Семь пиров Бухорои шариф. *The seven pirs of noble (sharif) Bukhara*. Т.: “Lesson press”нашриёти 2022.
4. Хожа Ориф Ревгарий. Орифнома. Форс-тожик тилидан Садриддин Салим Бухорий ва Исроил Субҳоний таржимаси.Т.: “Наврўз”,1994.
5. Шеглова О.П. Каталог литографированных книг на персидском языке в собрании Ленинградского Отдела Института Востоковедения. – М. Наука. 1975. 4.1. 230.6. № 483 (405).
6. Тагиржанов А.Т. Описание таджикских и персидских рукописей Ленинградского Государственного Университета. – Ленинград ЛГУ. 1962.
7. Шаҳобиддин ибн бинти Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Қўлёзма.
8. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд қалб хусусида. *Naqshbandiya – kamolot yo'li mavzusidagi respublika masofaviy ilmiy-amaliy anjuman materiallari 2022-yil 26-mart*. Buxoro: “Buxoro” 2022.

♦ **Аннотация:** Мақолада Бухорои Шарифнинг Етти Пири – Абдуллоҳиқ Гиждувоний, Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобои Самосий, Ҳазрат Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳалол тушунчаси ҳақидаги ўғитлари ва манбаларда келтирилган фикрлари фалсафий таҳлил этилган. **Таянч сўзлар:** Халоллик, ҳалол луқма, ҳалол меҳнат, ҳалол инсон, ҳалол либос, ҳалол макон, ижобий қувват.

♦ **Annotation:** The article provides a philosophical analysis of the teachings of the seven pirs of Bukhara Sharif - Abdulkhalik Gijduvani, Arif Revgari, Mahmud Anzhir Fagnavi, Khoja Ali Romitani, Muhammad Babai Samosi, Amir Kulol and Bahauddin Naqshband about the concept of halal given in the sources. **Key words:** Honesty, lawful food, honest work, honest person, lawful clothing, lawful place, positive force.

♦ **Аннотация:** В статье проводится философский анализ учений семи пиров Бухары Шарифа – Абдулхалика Гиждувани, Арифа Ревгари, Махмуда Анжира Фагнави, Ходжи Али Ромитани, Мухаммада Бабая Самоси, Амира Кулола и Бахауддина Нақшбанда о понятии халяль приведенные в источниках. **Ключевые слова:** Честность, дозволенная пища, честный труд, честный человек, дозволенная одежда, дозволенное место, позитивная сила.